



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 2 август сешанба № 33 (760)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги олдида

Ўзбекистон йўлсозлиги



МАМЛАКАТИМИЗ қон томирлари ҳисобланмиш автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 184,0 минг километрни ташкил этади. Шунинг 79,4 минг километри ҳокимликлар балансида бўлса, 12 минг километрлик йўл пудрат корхоналари зиммасида. Шаҳар кўчалари ва аҳоли манзилларига қарашли йўллар узунлиги 61,7 минг километр, “Ўзавтйўл” давлат акциядорлик компаниясига қарашли йўллар эса 42654 километр узунлиқдаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида иборат, уларнинг 3979 километри халқаро, 14069 километри давлат, 24606 километри маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари.

Мазкур йўлларни техник соҳа ҳолатда сақлаш учун 13 та вилоят ҳудудий йўллардан фойдаланиш таъминоти, 8 та минтақавий халқаро ҳамда давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси, 161 та йўл ҳўжалиги туман пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллиқнинг дастлабки кунлариданоқ автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига катта эътибор берилиб, йўлсозлар томонидан 3 минг километрдан ортиқ автомобиль йўллари реконструкция қилинди. Шу жумладан, Қамчиқ довонига 2 та 2,5 километрлик тоннел (Қамчиқ ва Резак), Тошкент кичик халқа йўли, йирик (Қўқон, Каттақўрғон, Бухоро ва бошқалар) шаҳарларини айланиб ўтиш йўллари, кўприклар томонидан 175 донга умумий узунлиги 6645 погонметр бўлган кўприк, 19 донга 3938 погонметр йўл ўтказгич ва транспорт ечимлари қурилди, реконструкция қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 июндаги “Қамчиқ” довони орқали барқарор транспорт алоқасини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 126-сонли қарори билан 2010 йил таъмирлаш ишларига 25,5 миллиард сўм маблағ ажратилди.

2011-2012 йилларда “Тошкент — Ўш” автомобиль йўлининг 108-208 километрларида 100 километрлик йўлни қайта қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, довондаги Қамчиқ ва Резак тоннелларини ёритиш, шамоллатиш ҳамда ёнғинни ўчириш тизимларини модернизация қилиш ишлари режалаштирилган.

2011 йилнинг январь-июнь ойларида “Ўзавтйўл” ДАК таркибидagi ташкилот ва корхоналар томонидан жами 211,3 миллиард сўмлик йўл қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,4 фоизни ташкил қилди.

Гулистон — Оҳангарон автомобиль йўлининг умумий узунлиги 116 километр бўлиб, мазкур йўлда Дўстлик канали, Сирдарё ва Оҳангарон дарёлари устидан ўтган 3 та катта ва 26 та кичик кўприк, Сирдарё ва Бўжа шаҳарларида, темир йўл устидан ўтган жами 3 та йўл ўтказгич мавжуд. Мутахассисларнинг ҳисоб-киتابига қараганда, мазкур йўл тўлиқ ишга тулғач, умумий ҳисобда республиканинг ғарбий вилоятларидан Тошкент шаҳрига қирмасдан Фарғона водийсига борадиган йўл 61 километрга қисқаради. Бунинг натижа-сида бир кеча-кундузда 38 минг литр ёнилғи тежалади, йўловчиларнинг 30 минг соат вақти қисқаради, Тошкент шаҳри экологик ҳолати яхшиланишига, йўл-транспорт ҳодиса-ларининг камайишига, транспорт воситаларининг амортизация харажатлари камайишига замин яратилади ҳамда халқ ҳўжалиги ҳар кўни 50-70 миллион сўм соф фойда кўради.

Компания томонидан 2011 йилда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда 1000 та янги иш ўрни очилиши прогнози белги-ланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярмида жами 522 та янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг «2011-2015 йилларда инфратузилмани транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғриси-да»ги Қарорига асосан тузилган Дастур бўйича 2012-2015 йилларда 2306 километр йўл (шундан 1410 километри Ўзбек миллий автомагистрالي таркибига киради) қури-лади ва реконструкция қилинади.

2012-2015 йилларда Ўзбек миллий автомагистрالي бўйлаб йўл ёқаси инфраструкту-раси ва сервисини ривожлантириш бўйича 19 та жойда кемпинг, 18 та жойда мотель, 36 та жойда АЕҚШ, 49 жойда автогаз тўлдирувчи компрессорли станция, 78 та жойда авария қақирув ва тиббий тез ёрдам хизмати пункти, 31 та жойда санитар-гигиена шарт-шароитларига эга бўлган автомобилларнинг қисқа тўхташ майдончаси, 9 та жой-да туризмнинг барча шароитларига эга объектлар қурилади.

Бейнов — Қўнғирот — Бухоро — Навоий — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналишида 169 та жойда, Бухоро — Олот йўналишида 12 та жойда, Бухоро — Қарши-Ғузор — Термиз йўналишида 43 та жойда, Самарқанд — Ғузор йўналишида 16 та жойда йўл ёқаси инфраструктураси ва сервис объектлари қурилади.

Умид СОРИЕВ тайёрлади.

Юртимиз
дунё нигоҳида

Ўзбекистон —
буюк аجدодларга
муносиб давлат

— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча ўзбекистонликларнинг қутлуг байрами ара-фасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар айта оласиз? Байрам олдида халқимизга қандай тилаклар билдирасиз?



Путхан Кандиеил Муратидхон БАБУ,
Ҳиндистоннинг Ўзбекистон
Республикасидаги Фавқулодда ва
Мухтор Элчиси

— Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон халқини муборак байрами билан чин юракдан табриклаш ва самий-ий тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссар бўлганимдан беҳад хурсандман.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари яқин ва дўстона муносабатларга эга. Бизнинг муносабатла-римиз узоқ ўтмишга бориб тақалади ва вақт синов-ларидан ўтган. Ўзбек ва ҳинд халқларини тарихий маданиятларимиз, миллий қадриятларимиз, қар-дошлик ришталари боғлаб туради.

Ҳиндистон бош вазири, доктор Манмахан Синх жа-нобларининг 2006 йил апрель ойида Ўзбекистонга қил-ган сафари, бош вазир сифатида Марказий Осиёга қилган илк ташрифи эди. Бунинг замирида, албатта, Ўзбекистонга нисбатан алоҳида ҳурмат ва эътибор му-жассам. Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Пре-зиденти Ислам Каримов жаноблари Ҳиндистонга рас-мий ташриф буюрди. Олий даражада ўтган мазкур ташрифлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро яқинлик ва юксак ишонч намунасида далолат беради.

Ташриф давомида ҳар икки давлат ҳамкорлиги-ни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақса-дида кўплаб ўзаро битимлар имзоланди. Ўзбекис-тон ва Ҳиндистон қишлоқ ҳўжалиги, савдо-сотик, фан ва техника, ахборот технологияси, нефть, соғ-лиқни сақлаш, фармацевтика, туризм, таълим ва маданият каби соҳаларни ривожлантириш йўлида шерикдир. Шунингдек, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳар икки давлатнинг иқтисодий тараққиётини мустаҳ-камлаш ва дунёда тинчлик барқарорлигини таъмин-лашга катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон 1991 йили мустақилликка эришган, аҳоли-нинг турмуш сифатини юқори даражага кўтарилдишга улкан зафарларга эришди. Таъкидлаш жоизки, мам-лакатингиз ҳақиқатан ҳам иқтисод, савдо-сотик, таъ-лим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида ҳайра-томуз ютуқларни кўлга киритди. Ҳозирги пайтда Ўзе-бекистон жаҳондаги иқтисодий тараққиёт шитоб билан ўсаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Яна шуни айтишни истар эдимки, Ўзбекистон буюк аждодлари-нинг эзгу орзуларини рўёбга оширмоқда.

Келгусида Ўзбекистон давлати иқтисодий барқа-рорлиқни таъминлаш ва халқнинг янада фаровон, гуллаб-яшнашида янгида янги зафарларга эри-шишига ишонч билан қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини яна бир бор Мустақиллик байрами билан табриклай-ман ва тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман.


“Инсон ва қонун” муҳбири
Фарида ҚОРАҚУЛОВА ёзиб олди.

Вояга етмаганлар

Дилга пайванд фарзандлар

тарбияси миллат келажаги билан боғлиқ масала

КҲҲНА Миср эҳромларидан бирининг деворида “Бугунги ёшлар ўзгариб кетган!” деган хавотирли эътироф битиб қолдирилган. Нафисларимни айтганда, ҳар бир даврда, ўз тараққиёти ва келажакни ўйлаган ҳар қандай миллат ёш авлод тарбиясига жиддий ёндашган. Татбиқан олганда, мамлакатимизда ёш авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади ва бу борада амалга ошири-лаётган ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир. Фарзандлари-мизни жисмонан соғлом, ақлан етук инсон қилиб тарбиялашга доир чора-тадбирларни санаб, адоғига етиш мушкул. Шуниси аниқки, бу оқилона сиёсат спорт, маданият, фан-таълим соҳасида Ўзбекистон ёшлари кўлга киритаётган ютуқлар ва муваффақиятлар тимсолида аллақачон ўз самарасини берди. Бироқ ижобий натижалар кишини нечоғлиқ гуру-лантимасини, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбу-зарликларнинг олдини олиш ва унга қарши кура-шиш долзарб масала эканлигини унутмаслик керак.



2

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳурматли тadbirkorлар!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари-даги “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”га қўнғирок қилинг. Адлия идораларининг, хусусан, вазирлиқнинг янги ташкил этилган Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари мутахас-сислари ҳам сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.....008
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги.....(361) 008, 223-71-93
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси.....(371) 008, 262-92-42
Андижон вилояти адлия бошқармаси.....(374) 008, 222-30-89
Бухоро вилояти адлия бошқармаси.....(365) 008, 223-21-20
Жиззах вилояти адлия бошқармаси.....(372) 008, 771-64-71
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси.....(375) 008, 223-01-64
Навоий вилояти адлия бошқармаси.....(436) 008, 223-01-38
Наманган вилояти адлия бошқармаси.....(369) 008, 226-51-93
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси.....(366) 008, 233-04-62
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси.....(376) 008, 223-26-84
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси.....(367) 008, 225-09-69
Тошкент вилояти адлия бошқармаси.....(371) 008, 280-50-96
Фарғона вилояти адлия бошқармаси.....(373) 008, 224-15-49
Хоразм вилояти адлия бошқармаси.....(362) 008, 226-65-50
E-mail.....info@minjust.gov.uz



Концепция: устувор вазибалар

Соғлом рақобат

мухитини шакллантириш

давр тақозоси

БОЗОР муносабатларини чуқурлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири — бу рақобатбардорлик мухитини шакллантиришнинг тизимини барпо этишдир. Бу тизим тадбиркорликни ривожлантириш ва соф рақобатни шакллантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратди.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва ривожлантириш ўз навбатида монополияга қарши сиёсатни тақомиллаштириш ва рақобатни ривожлантириш заруратини юзага келтирди. Иқтисодиётда яқка ҳокимлик мавқега эга бўлган монополиялик фаолиятни давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш, ўз устун мавқеини суниётасан қилиш ҳолатларида йўл қўймаслик эркин бозор иқтисодиётини ва фуқаролик жамиятини қуришда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Бугунги кунда мамлакатимиз товар бозорларида турли хил кўринишлардаги мулкчилик шаклининг вужудга келиши, чет эл сармояларининг республикамизга кириши соғлом рақобат мухитининг вужудга келишига имкон яратмоқда. Лекин иқтисодиётда монополияга барҳам бериш, рақобатни ривожлантириш, ўзаро рақобатлашувчи субъектларни қўллаб-қувватлашда қонунчиликни янада тақомиллаштириш ва янги қўнувлар қабул қилиш долзарб вазифалардан биридир.

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** номили маърузасида демократик ислохотларни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда олдимизда турган муҳим вазифалар белгилан берилди. Шунингдек, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг янада чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Концепцияда мамлакатни босқичма-босқич ривожлантириш, Президентимиз томонидан белгилан берилган тамойиллар асосида амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, демократик бозор ис-

лохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг янада чуқурлаштириш бўйича устувор йўналишлар илгари сурилди. Рақобат қонунчилигини ривожлантириш айна шу устувор вазифалардан биридир.

Амалдаги **“Товар бозорларида монополиялик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”**ги Қонун ва рақобатга оид муносабатларнинг тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида рақобат мухитини шакллантириш, монополия ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни етарлича қамраб олмаган.

Шунингдек, амалдаги Қонунда молиявий хизматлар бозори, биржа савдолари, тендерлар ўтказишда рақобатни тартибга солиш масалалари акс этмаган. Шу сабабли Президентимиз ташаббуси билан **“Рақобат тўғрисида”**ги янги Қонун лойиҳаси тайёрлаш фикри илгари сурилди. Янги қабул қилинадиган Қонунда юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар билан бирга товар ва молия бозорларида соғлом рақобат мухитини яратиш ва ривожлантириш, ички истеъмол бозорларида инсофсиз рақобатга чек қўйиш, ҳамда қонунчилик ҳаракатларини олдини олиш каби нормалар ўз аксини топади.

Мамлакатимизда соғлом рақобат мухитини яратиш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида товар, молия бозорларида монополия ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш ўртасида рақобатни ривожлантириш, инсофсиз рақобатни чеклашга оид қонунчиликнинг тақомиллашувига эришилди. Ўшбу соҳада давлатимиз раҳбари бошчилигида ва раҳбарлигида амалга ошириладиган ишлар тадбиркорларга бир қатор эркинлик ва имконият яратмоқда.

Комилжон МАНСУРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

АЛБАТТА, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 11 сентябрдаги **“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуни бу борада ҳуқуқий-норматив мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз-ўзидан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда кенг жамоатчиликнинг иштироки ҳам жиддий эҳтиёж сезилади. Аниқроқ айтганда, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, намунали тарбия бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Ҳа, исбот талаб этмайдиган икки аксиомани яна бир қарра ёдга олайлик: пойдевори нотекис иморат тикланмасдан қулайди, вақтида ишлов ва шакл берилмаган ниҳол ҳеч қимга наф келтирмайди. Қаровсиз қолаётган ёхуд носоғлом муҳитда нотўғри тарбия топаётган болақайнинг тақдири ҳам таъбир жоиз бўлса, адоқсиз қўнгилсизликларга сабаб бўлади. Афсуски, республика миқёсида жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган айрим ота-оналар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан рўйхатга олинган ва қонун доирасида уларни тўғри йўлга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилган. Шундай бўлса-да, беихтиёр бир ўй кишини хавотирга солади. Ўзи тарбияга муҳтож бу ота-оналар аллақачон фарзандига салбий таъсир

Дилга пайванд фарзандлар

тарбияси миллат келажаги билан боғлиқ масала



кўрсатишга улгурган бўлса-чи?! Нера маҳалла-қўй, таълим муассасалари, кенг жамоатчилик бундай салбий ҳолатларга жимгина томошабин бўлиб туриши керак? Нахотки, тўғри йўлдан озган бир-икки қимсани бутун бошли маҳалла ёхуд меҳнат жамоаси ўз вақтида қайта тарбиялай олмайдими?

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, вояга етмасдан жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти тўла шаклланмаган (отаси ёки онаси йўқ) ёхуд нотинч оилаларнинг фарзандларидир.

Англашиладики, яхши фарзандлар соғлом муҳит шаклланиши билан боғлиқ масала катта аҳамият касб қилмоқда. Тўғри йўлдан озган бир-икки қимсани бутун бошли маҳалла ёхуд меҳнат жамоаси ўз вақтида қайта тарбиялай олмайдими?

байнида тарбия ва эътиборга муҳтож вояга етмаганлар профилактика ҳисобга олинган ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

Натижада ўтган йилнинг 6 ойига нисбатан бу йилнинг шу даврида вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 1,2 фоизга камайган. Лекин ўзгалар мулкни ўғирлаш, талончилик, безорилик сингари жиноятлар жорий йилда ҳам содир этилгани ачинарлидир. Шунингдек, босқинчилик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳам кам бўлса-да, юз берган. Сўнгги йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 3,4 фоизини ташкил этмоқда. Жаҳондаги қатор давлатларда бу кўрсаткич бирмунча юқори. Аммо бу билан хотиржамликка берилиш керакмас. Ўз-ўзидан ҳаққа савол турғилади: Ҳўш, ёшларни жиноят йўлидан қайтариш учун қандай тадбирларни қўллаган маъқул? Бу борада Тошкент шаҳрида ўтказилган сўровнома натижалари қўйидагича: унда иштирок этганларнинг 24,7 фоизи ота-онанинг ҳуқуқий билимини оши-

риш зарур, деб ҳисобласа, 21,9 фоизи эса оилавий ажримларнинг олдини олиш муҳимлигини таъкидлайди. Шунингдек, оила-мактаб-маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришни лозим қўрганлар — 22,4 фоиз, боланинг бирон иш билан банд бўлишини афзал билувчилар 50,6 фоизни ташкил этган. Иштирокчиларнинг аксарият кўпчилиги, аниқроғи, 52,3 фоизи боланинг доимо назоратда бўлиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда энг муҳим омил, деган фикрни қувватлайди. Тан олиш жоиз, бу тадбирларнинг барчаси ҳам фарзанд тарбиясида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жуда-жуда муҳим.

Бир донишманд **“Болаларимиз — бизнинг кексалигимиз. Яхши тарбия бахтли кексалигимиз, ёмон тарбия бўлғуси ғам-аламларимиз, кўз ёшларимиз, бошқалар олдидаги, бутун мамлакат олдидаги айбимиз, демасдир”**, дея қайд этганди. Бошқалар олдида, бутун мамлакат олдида айбдор бўлмаслик учун эса ёш авлодга тўғри тарбия беришимиз шарт ва зарур.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
“Инсон ва қонун”
мухбири

Жараён

Даъво аризалари кўриб чиқирилишида

ҳакамлик судларининг ўрни

МАМЛАКАТИМИЗДА инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлар қатори Ҳакамлик судлари ҳам кенг ҳалқ оммаси ичига кириб, бугунги кунда жадал суръатлар билан фаолият кўрсатмоқда.

ЮРТБОШИМИЗ 2010 йил 12 ноябрдаги **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** деб номланган маърузасида кичик бизнес ва кўсуий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келган ҳўжални низоларини ҳал этувчи нодавлат орган сифатида фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судлари учун ҳам муҳим дастуриламалдир.

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ва унинг Тошкент шаҳридаги филиали ҳамда вилоятлардаги ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилаётган доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида ҳам фаол қатнашаётганлигини, фуқароларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилаётганлигини, айнқсқа, ваколатли судларда қўриладиган ишлар ҳажмини камайтириш ва

уларнинг сифатини янада оширишга муносиб ҳисса қўшаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шу маънода, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан ўтган 2010 йил мобайнида жами 2100 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, шундан аксарият қисми мазмунан ҳал этилган. 2011 йилнинг биринчи ярмида эса 2500 га яқин даъвоини кўриб чиқиб қаноатлантирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали эса қисқа муддатда, яъни 2010 йилнинг 16 июлигача Тошкент шаҳар филиали ҳузурида ва барча туманларда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ташкил этиш ишларини тўлиқ якунлади. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг амалий ва бегараз кўмағида барча туманлардаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари учун хизмат жойлари ажратилди. Бино ва хоналар эса қисқа фурсатда замон талаблари даражасида таъмирланиб, моддий-техник жиҳатдан таъминланди.

Бундан ташқари, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари судьялари ва ходимларининг иш сифатини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар филиали томонидан барча туман ҳакамлик судлари даъво аризаларини қабул қилиш тартиби, иш юритиш ва ҳал қилиш жараёнига боғлиқ турли тавсиявий қўлланмалар, юридик адабиётлар, қонун ҳужжатлари тўпламлари, соҳавий газета ва журналлар билан таъминланмоқда.

Муҳаммадали ЭШНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар
ҳакамлик суди судьяси

Адлия аралашгач...

20 миллион сўмдан ортиқ маблағ

тадбиркорнинг ҳисоб рақамига қайтарилди

ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ яхши билган тадбиркор ҳар қандай тўсиқ ва говларни енгиб ўтади.

ДЕНОВ ТУМАНИДА фаолият кўрсатаётган “Ал-Қабир бунёдкор” МЧЖ раҳбари Т.Жумаев ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Қумқўрғон тумани филиалида олди-сотди шартномасига кўра, қорхона ҳисоб рақамидан бошқа бир қорхонага пул ўтказмоқчи эди. Раҳбар банкда 20 миллион сўмдан ошмиқ маблағни мавҳудлигидан бохабар эди. Лекин, тегишли тўлов талабномасини қорхона тақдим этганда, банк ходимлари қорхонанинг ҳисоб рақамидан бундай маблағ йўқлигини айтишди.

Тадбиркор Т.Жумаев ўз фаолиятида анчагина тажриба ортиртган, ҳар қандай алдовларга дарҳол зарба берадиган, ҳақиқатга тик боқадиганлар хилидан.

Суриштириб билдики, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Қумқўрғон тумани филиали масъуллари миқознинг ҳисоб рақамидан пулини, яъни 20 миллион 900 минг сўмлик маблағини ўзбошимчилик билан бошқа ҳисоб рақамларига ўтказиб юборибди.

Ҳа, гишт қолипдан кўнча. Тадбиркор банк ходимларининг ёлворилишларига асло рози бўлмади, бу масала юзасидан вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, барча далилий ҳужжатларни тақдим этди. Бошқарма ходимлари

томонидан ушбу масала атрофлича ўраниб чиқилганда тадбиркор эътирози исботланди. Тафтиш натижаларига кўра, бошқа субъектларга тадбиркорнинг руҳсатсиз ноконуний равишда ўтказиб берилган 20 миллион 900 минг сўмлик маблағ ўз эгаси ҳисоб рақамига қайтарилди. Бу ҳолат бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар прокуратурага йўналтирилди. Унга кўра, Қумқўрғон тумани прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми, “а” банди билан айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Дарҳақиқат, бугунги тадбиркорнинг йўли кенг, имкониятлари катта. Ҳукуматимизнинг тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга асосланган ҳуқуқий йўналтирилган ҳўжатлари бунинг ёрқин исботидир. Лекин, айрим ҳолатларда назорат қилувчи органлар томонидан ноконуний текширувлар ўтказилиши айрим ноқулайликларни юзага келтирмоқда. Масалан, шу йилнинг олти ойи мобайнида ветеринария соҳасига оид Жарқўрғон туманида 5 та, Музработ туманида 4 та, Ангор туманида 2 та ноконуний текширувлар ўтказилганлиги аниқланиб, қонуний чоралар кўрилди.

Дилшод ТАҒИРКУЛОВ,
Сурхондарё вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида жорий йилнинг биринчи ярмида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

БОШҚАРМА ТОМОНИДАН инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролардан келиб тушган 96 та шикоятнинг 73 таси кўриб чиқилиб, уларнинг 45 таси қаноатлантирилган, ушбу қаноатлантирилган шикоятлар юзасидан тегишли идоралар раҳбарлари номига 14 та тақдирнома, судларга 24 та даъво аризаси киритилган, 3 та жиноят иши қўзғатиш ва 9 та маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақлифлар берилган.

Жумладан, Жиззах шаҳрида яшовчи фуқаро Ё.Ҳасановнинг Жиззах

тумани Н.Абдуллоев номида жамоа ҳўжалигининг 1996 йил 16 декабрдаги қарорига асосан 0,10 га. ер майдони уй-жой қуриш учун ажратилганлиги, лекин фуқаро У.Носиров ушбу ер майдонига эгалик қилаётганлиги ҳақидаги шикоятни ўрганилганда аризадаги далиллар ўз тасдиғини топди. Ушбу ер майдони Жиззах шаҳридаги “Платиниум сервис” аукцион савдоларини ўтказиш агентлиги томонидан қонунга зид равишда сохта ҳужжатлар асосида қимовиш савдоси ўтказилиб, бошқа фуқароларга бериб юборилганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича вилоят прокурори номига

Жиззах шаҳридаги “Платиниум сервис” аукцион савдоларини ўтказиш агентлиги, Жиззах тумани архитектура ва қурилиш бошқармаси мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар Б.Эгамбердиев ва Р.Эгамбердиевга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида тақлиф киритилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига жавобгар аукцион савдолар ташкилотчиси “Платиниум сервис” МЧЖнинг 2010 йил 8 ноябрдаги 217-218 сонли

Мурожаат безътибор қолмайди...

Адлия ёрдам берди



аукцион савдоси қолибининг баённомаси ва шу сонли объектнинг олди-соти шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида даъво аризаси киритилиб, даъво суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Бошқарманинг “Ишонч телефони”га инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид келиб тушган 11 та мурожаатнинг 9 таси қаноатлантирилган. 2 та мурожаат юзасидан аризаларга қонуний жавоб берилган.

“Ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлар бўйича тегишли идоралар раҳбарлари номига 4 та тақдирнома

киритилган, 1 та жиноят иши қўзғатиш ва 1 та маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақлифлар берилган. 2 нафар мансабдор шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирилган.

Жумладан, Дўстлик туманида яшовчи фуқаро М.Йўлдошевнинг вояга етмаган фарзандлари учун нафақа тайинлаш ҳақидаги аризаси Ф.Ғулом номи МҒФ томонидан кўриб чиқилмаётганлиги ва нафақа тайинланмаётганлиги ҳақидаги “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганилганда, фуқаронинг МҒФга ёзган аризаси асоссиз кўриб чиқилмаганлиги аниқланиб, фуқаронинг аризаси қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқирилиши таъминлаш ҳақида Дўстлик тумани ҳокими номига тақдирнома киритилди. Фуқаролар йўғини

масъул қотибга нисбатан МҒФнинг 43-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича туман судига юборилган.

Суд қорарига асосан ҳуқуқбузарга нисбатан 99470 сўм миқдорда маъмурий жарима жазоси қўлланилган. Ушбу тақдирнома бўйича фуқаронинг вояга етмаган фарзанди учун нафақа тайинлаши таъминланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқаролар мурожаатлари вилоят адлия бошқармаси томонидан доимий назоратда туради, уларга қонуний жиҳатдан амалий ёрдам берилади.

Ихтиёр ХУРОЗОВ,
Жиззах вилояти
адлия бошқармаси
бўлим бошлиғи

Хукукий тарғибот:

адлия идоралари,
давлат органлари
ва жамоат
ташкilotлари
ҳамкорлиги

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ март ойида тегишли давлат ва жамоат ташкilotлари билан ҳамкорликда тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлигининг ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, чакирик-кача бўлган ёшлар, Куролли Кучлар ишчи ва хизматчилари, хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий, ҳукукий тарбияни таъминлаш, ижтимоий ғимоя йўналишидаги вазифаларни таъминлаштириш бўйича давлат ва жамоат ташкilotлари билан олиб бориладиган ҳамкорлик Дастури”** ижросига мувофиқ адлия идоралари томонидан бир қатор тадбирлар ташкил этиляпти.

ХУСУСАН, Дастурда белгиланган вазифалар бўйича ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига, чакириккача бўлган ёшларга амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларнинг ҳукукий саводхонлигини ошириш мақсадида 2011 йилнинг 1-ярмида 419 марта ҳукукий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг 396 таси оғзаки давра суҳбати, семинар ва маърузалар тарзида олиб борилиб, уларда 6590 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларида мутахассисларимиз мавзуга оид чиқишлари амалга оширилди. Бир қатор ҳарбий қисмлар, маҳаллалар, турли ўқув муассасаларида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, чакириккача бўлган ёшлар, Куролли Кучлар ишчи ва хизматчилари, хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ҳарбий ватанпарварлик, ҳукукий тарбия мавзуларида, ижтимоий ғимоя йўналишида олиб борилаётган хайрли ишлар моҳиятини тушунтиришга қаратилган самимий мулоқотлар қилинди. **“Замонавий профессионал армиянинг асослари”, “Ҳарбий ватанпарварлик — улуг туйғу”, “Ёш ҳарбийлар оиласи муштаҳамлиги”, “Хушёрлик ва сергаклик — замон талаби”, “Миллий армиямиз — тинчликнинг қосибони”, “Ҳарбий хизмат — муқаддас бурч”** каби қатор мавзуларда қизиқарли ва фойдали мулоқотлар ташкил этилди.

Адлия вазирлигининг Ҳукукий тарғибот ва ҳукукий таъмин божқармаси

2011 ЙИЛНИНГ 1-ярмида Андижон вилояти адлия божқармаси томонидан 56 та хўжалик юритувчи субъектда шартномавий-ҳукукий муносабатларнинг қонунийлиги ўрганилиб, улар томонидан тузилган 31.288 та шартнома кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 7.166 та ҳолатда шартномаларнинг тузилиши бўйича, 2.540 та ҳолатда шартномаларнинг бажарилиши бўйича қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

СУДЛАРГА 2.059.412.206 сўмлик даъво аризалари, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан эса 92 та тақдимнома, 137 та огоҳнома, 46 та кўрсатма ва 21 та талабнома киритилди. Даъво аризаларнинг 497 таси, яъни 1.649.489.898 сўмлиги фермер хўжаликлари манфаатларини қўлаб қиртилган. Уларнинг 1.264.891.836 сўмлик қисми судлар томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди, қолган қисми ҳозирда судлар муҳокама-сида. Божқарма томонидан ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича 2 миллиард 5 миллион сўмдан зиёд талабномалар киритилган. Жумладан, 2011 йил ҳосили учун Олтинқул ва Марҳамат туманларидаги фермер хўжаликлари билан пахта хомашёси

Эътибор ва эътироз Шартномада — шарт, шартда — қатъият бор...

етиштириш бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилиши мониторинг йўли билан таҳлил қилиниб, “Андижон-пахта” ва “Ўқчи” пахта тозалаш акциядорлик жамиятларига 678 300 000 сўмлик талабномалар киритилди ва ушбу маблағлар тўлиқ ундирилиши таъминланди. Шунингдек, “Қишлоқхўжаликкимё” ХОАЖ Жалакудук тумани бўлимига шартнома мажбуриятлари амалга оширилиши тўғрисида 128 000 000



риоя этилмаслиги, тўлов қобилиятига эга бўлмаган, олдиндан тўлов амалга оширилмаган ҳолда ишлар бажарилиши натижасида 878 миллион 30 минг сўм дебиторлик ва 1 миллиард 152 миллион 185 минг сўм кредиторлик қарзларнинг мuddати

ган ўрганишда шартнома интизомига риоя этилмаслиги натижасида қорхонада қарздорлик мuddати ўтказиб юборилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жорий йилнинг 3 мартда маъмурий баённома тузилиб, кўриб чиқиш учун Олтинқул тумани ДСИга тааллуқлилиги бўйича юборилди. Мазкур баённома асосида қорхона раҳбари А.Астанақулов ва қорхона бош ҳисобчиси И.Мирзалиев 497 350

сўмдан маъмурий жарима жазосига тортилди. Адлия божқармаси томонидан ўрганилган хўжалик юритувчи субъектларда шартномаларни тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 92 та тақдимнома киритилиб, уларга асосан 3 536 200 000 сўм маблағ ундирилиши таъминланди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 64 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилди, 10 нафар мансабдор шахс эса эгallaб турган лавозимидан озод қилинди. Ўтган давр мобайнида Андижон вилояти адлия божқармасига шартномавий муносабатларга оид келиб тушган 42 та ариза ва шикоятнинг барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Уларнинг натижаси бўйича судларга 18 та даъво аризаси, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 10 та тақдимнома киритилди.

Иброҳим ТУРҒУНОВ,
Андижон вилояти
адлия божқармаси
бошлигининг биринчи ўринбосари

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номили маърузасининг бошинчи қисми “Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш” деб аталади. Унда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат таъшилотлар, жумладан, ўзини ўзи бошқариш тизимининг юртимизга хос муҳим ва ноёб бўлини бўлиши маҳалла институти фаолиятининг ҳукукий асосларини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, уларнинг амалий натижалари таҳлил этилди.

УШБУ Концепцияда нодавлат нотижорат таъшилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини амалга оширишида экологик назорат муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланган. Бинобарин, экологик назоратни амалга ошириш жамоат таъшилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Табиат шундай бир объектки, унга нисбатан ўтказилган ҳар қандай нотўғри таъсир жиддий салбий экологик оқибатларга олиб келиши мумкин, шу боисдан у алоҳида ҳукукий тартибга солинishi лозим. Табиат моддий бойликлар манбаигина эмас, балки одамларнинг ўзи истикомат қиладиган муҳити ҳамдир. Экологик назоратнинг мақсади экологик ҳафсизлиқни таъминлаш, хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишдир. Улар турли таъшилий-ҳукукий усуллар би-

Атроф-муҳит мувозанати

Экологик назоратнинг аҳамияти

Табиат моддий бойликлар манбаигина эмас, балки одамларнинг ўзи истикомат қиладиган муҳити ҳамдир



хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилиши текшириш ва умумлаштириш; экологик қонунчилик нормалари ва талабларининг ижросини текшириш; юридик ва жисмоний шахслар юритадиган экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш, тўхтатиб қўйиш

биий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги давлат функциясининг умумий вазифаларига ҳамоҳандир. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ғимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат таъшилотлар иштирокининг ҳукукий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. **“Экологик назорат тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жамоатчиликнинг экология соҳасида назорат олиб бориш соҳасидаги ваколатларини амалга оширишининг ҳукукий асосларини белгилаб беради. Шунингдек, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари, қорхона, муассаса ва таъшилотларнинг экология соҳасидаги фаолиятини фуқаролар ва нодавлат нотижорат таъшилотлар томонидан назорат этилишининг ҳукукий механизмларини яратишга хизмат қилади.

Жўрабек ШОДИЕВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Тадбир Замонавий тадбиркорга

хукукий

ОНГ зарур

ҚАРШИ ШАҲРИДА-ГИ Сайидо Насофий номли ахборот-кутубхона марказида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик таъшилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг ҳамкорликдаги дастури асосида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳукукий ғимоя қилиш тизимини такомиллаштириш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

УНДА ҳакамлик судлари фаолиятини кенг оммага тарғиб қилиш ва фуқароларнинг ҳакамлик муҳокамаси соҳасидаги ҳукукий онгини ошириш лозимлиги ҳақида фикр юритилди. “Тадбиркорлар ҳукуқларини ғимоя қилишда адлия органларининг ўрни ва роли”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳукуқларини ғимоя қилишда ҳўжалик ва ҳакамлик судларининг ўзаро ҳамкорлиги”, “Тадбиркорлар ҳуқуқларини ғимоя қилишда фуқаролик судларининг роли”, “Ҳакамлик битими: шакли ва мазмуни”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида”, “Фермер хўжаликлари қонуний манфаатларини ғимоя қилишда ҳакамлик судлари ўрни” мавзусида маърузалар тингланди.

Ойдин АНОРОВА,
журналист

Мулоҳаза

Салонни айлангунча...

Тўйни тўхтатган... либос

ридаги воқеани сўзлаб берди ва у кизга уйланмаслигини билдирди. Унинг гапидан қайтмаслиги кўриниб турарди. Йигитга шошилмай, ўйлаб кўришни маслаҳат бердик. Унинг онаси йиғлаганча тўйга ҳамма нарса тахтлиги, дастурхон ёзилди, меҳмонлар айтилгани, мабодо тўй қолдирилса, анча-мунча чиқимдор бўлиб қолишларини айтиб, ўғлини кўндиришни сўради. Йигит эса сўзидан қайтмади. Хуллас, орадан уч ой ўтгач, ариза бекор қилинди. Тўй қолдирилди.



римлар оила масъулиятини унча хис қилавермайдилар. Иш тажрибамизда бунга ўхшаш воқеаларга гувоҳ бўламиз. Кўпинча айрим ёшларнинг ҳаётга турлича қарашлари, қандайдилар.

ташвиш ва муаммолари боис эр-хотин бир-бирларини ўзаро синовдан ўтказди. Кексаларимизнинг “Кўшганинг билан қўша қаригин” дея дуо қилишлари ҳам беҳиз эмас. Бу ҳақда сўнгги модадаги тўй либосига қараб фикр юри-тиш ҳаётга, ўз тақдирига енгил-елпи қараш деганидир. Бунини йигит-қизларга тўғри тушунтиришга ота-оналар ва масъул кишилар бурчлидир.

Санобар АЛИМАРДОНОВА,
Қарши шаҳар “Никоҳ уйи” мудариси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйдаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кораканлогистон Республикасида
Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Хўжайи туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Тўртқул туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Тўртқул туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Андижон вилоятида**
Жалакудук туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Андижон шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Пахтабод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Бухоро вилоятида**
Когон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Ромитан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Сурхондарё вилоятида**
Денов туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Қашқадарё вилоятида**
Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Фарғона вилоятида**
Марғилон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Тошкент вилоятида**
Олмалик шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйдаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Лавозит нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабдорнинг маляка имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Маляка комиссиясининг қароридан кўчирма (маляка имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишламаган талабдорлар эса маляка имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Маляка комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойида берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
Танловда йиғилма беш йилдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидан уч йил мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, маляка имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.
(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2011 йил 2 сентябр)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайёғхот кўчаси, 5-й.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (мчк) 183, 184, 185.

**Ўзбекистон
Республикаси
Адлия вазирлиги
Тошкент шаҳар,
Сайилгоҳ кўчаси,
5-уй.
Ишлар бошқармаси.
Тел: 236-74-41,
ички тел: 255
Мурожаатлар
ҳафтанинг шанба ва
якшанба кунларидан
ташқари соат 9.00
дан 18.00 гача.**